ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00375

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ ТАЪЛИМ ТАРБИЯДАГИ ЎРНИ

Бахтиёр Асқарович Рўзинов
Наманган давлат университети санъатшунослик факультети, «Амалий санъат ва рангтасвир» кафедраси ўқитувчиси
abruz@mail.ru

Бахтиёр Хусниддинович Нуриддинов
Наманган давлат университети ўқитувчиси
zubayr_2011@mail.ru

Хасанбой Умаров
Наманган давлат университети ўқитувчиси
Xasanboyaka92@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Фарғона водийсидаги моддий маданий мерос объектлари билан чамбарчас бўлган миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни кучайтириш, миллий меъморчилик, наққошлик, ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, миллий кулолчилик ва бошқа халқ ҳунармандчилиги намуналари ҳамда айрим анъанавий халқ амалий санъати услубларини сақлаб келаётган халқ усталари ижодлари билан таништириш.

Миллий тасаввурини намоён қилиш, ифодалаш, баҳолаш, ўқув жараёнида таълимнинг назарий ва амалий машғулотларини уйғунлаштириш орқали замонавий инновацион технологияларидан фойдаланишни талаб этади.

Калит сўзлар: Қадрият, меъморий ечим, миллийлик, тарихий-маданий мерос, ҳандаса, муқарнас, гулдаста, арк, гишт, қоришма, кошин, қадимий технологик қурилиш ашёларини англаш, миллий меъморий тарихий-маданий ёдгорликларни илмий тарзда ўрганиш.

THE ROLE OF APPLIED ARTS OF THE FERGANA VALLEY IN EDUCATION

Bakhtiyor Askarovich Ruzinov
Teacher of "Applied Arts and Painting", Faculty of Art History, Namangan State University
abruz@mail.ru

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00375

Bakhtiyor Husniddinovich Nuriddinov
Teacher of Namangan State University
zubayr_2011@mail.ru

Hasanboy Umarov
Teacher of Namangan State University
Xasanboyaka92@gmail.com

ABSTRACT

To strengthen the attention to our national values, which are closely connected with the objects of material and cultural heritage of the Fergana Valley, to get acquainted with the works of national architecture, painting, plaster carving, wood carving, national ceramics and other folk crafts, as well as some traditional folk arts.

Demonstrating, expressing, evaluating the national vision requires the use of modern innovative technologies through the combination of theoretical and practical lessons of education in the learning process.

Keywords: Value, architectural solution, nationality, historical and cultural heritage, handasa, muqarnas, bouquet, arch, brick, mix, tile, understanding of ancient technological building materials, scientific study of national architectural historical and cultural monuments.

КИРИШ

Мақолада Олий ўқув юртларида тасвирий ва амалий санъат фанини ўқитишда ҳудудий миллий маданий мерос объектларидаги қадимий нақшу-нигорлар, меъморчилик иншоотларидаги маҳобатли ананавий рангтасвир асарларидан талабаларни билим ва кўникмаларини оширишдаги замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнида талабаларга билим бериш, уларнинг билиш қобилиятини ривожлантириш, ҳамда миллий қадриятларимизни асраб авайлаш тўғрисидаги таълим-тарбия бериш каби муҳим вазифалар ҳал қилинади. Ушбу масалаларни ҳал қилишда олиб борилган тадқиқот ва олинган тажрибалар натижаларига биноан, уларни ўқув жараенига амалиётларни тадбиқ этиш тажрибалари келтирилган ва учрайдиган муоммоларни ечими ифодаланган.

Аждодларимиз моддий маданий мероси, қадимий анъаналари, турли урф-одатлари биз учун нафакат мозийдан қолган ёдгорлик, балки жами маъанавий маданий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақл заковати ва тафаккурининг бир буюк махсулидирки, ҳар бир миллат, элат аждодларининг билим махсули

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00375

ва кўп йиллик илғор тажриба, таълим-тарбия, одоб-аҳлоқнинг намунавий ҳулқи ва бошқа маънавий ўғитларидан фойдаланган холда ривожланиб баркамол бўлиб боради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек халқ амалий санъати ҳақида фикр юритилганда даставвал шуни таъқидлаш керакки, бу санъат ўзининг узоқ тарихига, миллий анъаналарига эга. Ўзбек халқ амалий санъати асрлар давомида ривожланиб, сайқалланиб борди. Нафис ва сержило нақшлар билан зийнатланган, асрлар оша ўз кўрку салобатини йўқотмай келаётган маҳобатли маъморий обидалар, латиф ўйма безакли ёғоч устунлар, эшик ва дорбозалар, кўзни қамаштирувчи гўзал заргарлик буюмлари, зардўзлик буюмлари бу фикримизнинг исботидир.

Булар ўзбек халқининг маънавий бойлиги, ақлий камоли ва ижодкорлигидан далолат беради. Машҳур саркарда Амир Темур: “Бизнинг қудратимизга ишонмаганлар келиб биз қурган иморатларни кўрсинлар”, деган эди. Дарҳақикат, неча асрлар юзини кўрган бу иншоотлар ўзбек халқининг қудратидан дарак беради. Бизнинг ўзбек халқ амалий санъатимизнинг илдизлари ибтидоий жамоа тузимига бориб тақалади. Археологик қазишмалар инсон томонидан жисмга бадиий ишлов бериш тош асридаёқ бошланганини исботлаб берди.

Эрамиздан олдинги даврлардаёқ ҳозирги ўзбекистон ҳудудида жойлашган Шош, Паркана, Бактрия, Сўғд ва Хоразм вилоятларида монументал нақшлар ишлаш ривожланган эди. Археологик тадқиқотлар жараёнида Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I-II асрлар), Далварзинтепа (I аср) бидда ибодатхоналари, Хоразмдаги Тупроққаъла саройи (III аср) ва бошқа моддий маданий мерос объектларидан топилган деворий расмлар ҳамда буюмларнинг ҳар бири биз учун бебаҳо хазинадир. Чунки улар ўтмиш санъатимиз ва тарихимиз ҳақидаги фикрларимизни исботловчи тирик, ёрқин манбалардир.

Қадимги деворий суратларда асосан тирик жонзотларнинг тасвири ишланган. Айниқса, подшолар саройидаги элчиларни қабул қилиш маросимлари, ов ва жанг манзаралари тасвирини кўплаб учратиш мумкин.

VII асрга келиб Ўрта Осиёда қарор топиб, ҳукмрон бўлган ислом дини таъсирида ўзидан олдинги давр маданиятига, жумладан тасвирий санъатига салбий таъсир кўрсатади. Вақтлар ўтиши билан дин аҳллари бу ақидага кескин тус бериб, худодан бошқа ҳеч ким жонзотларни ярата олмайди, ҳатто худо яратган жонзотларнинг тасвирини чизиш ҳам мумкин эмас, акс холда бу худога

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00375

шак келтириш бўлади, нариги дунёга борганда парвардигор бу суратларга жон ато этишини мусаввирдан талаб қилади, мазмунидаги даъволарни қила бошлашди.

Шундан сўнг мусаввирлар ўртасида табиат манзараларини, гулларни стилизация қилиб, бадиийлаштириш орқали нақошлик, миниатюра, китобат санъати, монументал нақшлар ишлаш ривожлана борди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек халқ амалий санъатининг бошқа турлари ҳам инсон ақли ривожланиши жараёнида аста-секин ривожлана борди. Бу нарса аввало ибтидоий жамоа тузимида меҳнат қуролларини ясаш билан боғлиқ эканлиги табиий хол. Даврлар ўтиши билан меҳнат қуроллари ҳам такомиллашиб борди. Аста-секин ишлаб чиқариш ривожлана бошлади. Турли меҳнат қуроллари ва бошқа буюмларни ясаш, ҳунармандчиликни ривожланиши аста секинлик билан санъат даражасига кўтарила борди.

Бугунги кунда ўзбек халқ амалий санъатининг довруғи дунёга ёйилди. Ўзбек халқ амалий санъатининг қайси тури ҳақида сўз бормасин, бизнинг фахрланишга арзирли ютуқларимиз бор. Ёғоч ўймакорлиги санъатининг пири комилларидан бўлган марҳум уста Қодиржон Ҳайдаров, марҳум ганчкор усталар Абдулла Болтаев, Уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, марҳум наққош усталар Тоҳир Тўхтахўжаев, Жалил Ҳакимов ва бошқа етук санъаткорлар ўзбек халқ амалий санъатида ўзларининг мактабларини яратиб, бу соҳани ривожлантиришга, ўзбек миллий халқ амалий санъати шуҳратини бутун оламга таркатишга салмоқли ҳисса қўшдилар ва кишилар қалбида ўчмас из қолдирдилар.

Бугунги кунда узтоз уста Маҳмуд Усмонов, Ортиқ Файзуллаев, Анвар Илҳомов, Асқарали Акпаров, Маҳмуд Тўраев, Ғулом Йўлдошев каби санъаткорлар табаррук узтозлар изидан бориб, уларнинг ишларини давом эттирмоқдалар. Улар амалий санъатнинг турли соҳаларида ўз услубларини яратиб, бу соҳаларнинг янада тараққий этиши учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар, кўплаб шогирдлар етиштириб, халқ амалий санъатининг умрбоқийлигини таъминлаш учун ҳаракт қилмоқдалар.

Халқ амалий санъати Ўзбекистон ҳудудидаги барча вилоят ва туманларида, азим шаҳарлар ва чекка қишлоқларида ривожланган. Ўзбек халқ амалий санъатининг турлари кириб бормаган бирор хонадон ёки иншоот йўқ. Чунки бизнинг халқимиз санъатни жон-дилидан севади, уни ардоқлайди. Бу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00375

борада наққошлик санъатини алоҳида таъқидламай иложимиз йўқ. Чунки серқуёш ўлкамизнинг қайси бурчагига борманг бир-биридан жозибадор нақш намуналарини учратасиз. Катта – катта меъморий обидалардан тортиб, кичик-кичик масжидларнинг шифт ва деворларигача ажойиб санъат асарлари билан зийнатланганлигини кўрасиз. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган ва бошқа ҳудудлардаги нақшинкор иморатлар дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Ўзбекистон халқ амалий санъатида Фарғона водийси ўзига хос ўрин эгаллайди. Амалий санъатнинг қайси тури ҳақида юритилмасин, водийда унинг юксак даражада ривожланганини кўриш мумкин.

Масалан, наққошлик санъатини таҳлил қилиб кўрайлик Фарғона нақши Марғилон, Қўқон, Фарғона, Наманган, Чуст, Кува, Риштон ва Олтиариқда вужудга келган услублардан иборат. XIX аср ва XX аср бошларига мансуб бўлган нақшлар кўплаб осори атиқаларда сақланиб қолган. Қўқондаги Мадалихон даҳмаси, Даҳмаи Шоҳон, Худоёрхон ўрдаси ва бошқа объектлардаги нақшлар ўзига хос кўринишга эга бўлса-да, Фарғона нақшларида кўпроқ Бухоро, Хива нақшларининг таъсири бор. Ҳаттоқи, рус наққошларининг услублари ҳам унда-мунда учраб туради. Чунки ўша даврларда уста наққошлар иш аҳтариб бошқа шаҳарларга борар эдилар ёки буюртма бўйича бошқа шаҳарларга бориб, нақш билан биноларни безатар эдилар. Лекин Фарғона водийсида ўзига хос наққошлик мактаби ривож топган эди. Фарғона наққошлари гирих, ўсимликсимон (ислимий) ва гулли гирих нақшларини ўз асарларида кенг қўллаганлар. Композицияларнинг симметрияли бўлиши принципига амал қилганлар.

Водий наққошларининг ишлари бошқа наққошлик мактабларига доир асарлардан яна шуниси билан фарқланадики, бу нақшлар табиатга яқин, эркин ишланган. Шу билан бирга, водий нақшлари бошқа нақшлардан рангларининг контрастлиги билан ҳам фарқланади. Шунингдек, Фарғона нақшларида табиатдаги гул, барг, ғунча ва бошқа унсурлардан тўғридан-тўғри фойдаланилган. Чунончи, Фарғона нақшларига қарасак, писта гул, анор, атиргул, мажнунтол, бодомгул ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Хуллас Фарғона водийсидаги нақш композициялари табиатга жуда яқинлиги билан Хива, Тошкент, Самарқанд нақшларидан ажралиб туради. Фарғона наққошлари четлари чиройли қилиб, ичига ислимий нақшлар туширилган қизил, яшил бўёқлар билан ишланган турунжни афзал кўрадилар. Ҳозирда эса Ўзбекистон пойтахти Тошкент бўлиб, бутун санъат ахлининг марказга бирлашуви сабаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00375

нақш мактаблари омухталашиб бормоқда. Чунки қадимда уста шогирдларига ўргатиб ўз мактабини сақлаган бўлса ҳозирда эса марказдаги ўқув юртларию ва вилоятлардаги ўқиш дастурлари бир хилда тузилганлиги сабаб усталар мактаби омухталашиб бойиб, ривож топмоқда.

Фарғона водийси халқ амалий санъатида ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам ўзига хос услубларда ривожланган. Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган шаҳарларида ҳам, водийнинг чекка қишлоқларида ҳам машҳур ёғоч ўймакор усталари билан бир қаторда ҳали эл орасида шуҳрат қозониб улгурмаган, аммо бу соҳада аллақачон ўз услуби ва йўлини топиб олган уста ҳамда устазодалар жуда кўп. Ҳали вақтлар келиб Фарғона водийси ўзининг ёғоч ўймакор усталари билан дунёга донг таратса, ажаб эмас. Уларга яхши шароитлар яратиб берилса, ижодий ишлари реклама қилиб турилса, марҳум уста Қодиржон Ҳайдаровнинг издошлари ўз асарлари билан дунё миқиёсига чиқишлари мумкин.

Фарғона водийси халқ амалий санъати деганда, аввало, Фарғона вилояти халқ амалий санъати кўз олдимизга келади. Бу вилоят қадим-қадимдан ўзининг машҳур санъаткорлари, қўли гул ҳунарманд усталари билан ном қозонган. Қўқон, Марғилон, Қува, Риштон, Олтиариқ ва бошқа жойлардаги турли тарихий обидалар, замонавий иншоотлар, хонадонларда учрайдиган нақш, ганч, ёғоч ўймакорлиги намуналари, пичоқлар, заргарлик, зардўзлик, каштачилик буюмлари бу вилоятда халқ амалий санъатининг қадимдан мавжудлиги, даврлар ўтиши билан ривожланиб боргани, бугунги кунда янада такомиллашиб, чуқур илдиз отиб бораётганидан дарак беради.

Айниқса, Қўқондаги Худоёрхон саройи, Ғиштли масжид, Жомъе масжиди, Қувадаги Зайниддинбой уйи, Боғдоддаги Оқил мингбоши масжиди, Саидаҳмадхожи мадрасаси, Олтиариқдаги Қалъа, Дўсти Худо масжидлари ўзбек миллий меъморчилигимизнинг ажойиб намуналаридир. Улардаги нақшлар ўзининг бениҳоя гўзаллиги билан кишини ўзига ром этади. Улардаги миллий колорит, ўйноқи ва жозибадор нақшу-нигорлар, сержило рангларни, ҳандасий услубда терилган кошинлар ўз даври рухига мосдек курилгандек бўлиб кўринади. Тарихан ривожланиб келаётган авлодлар хотирасини сақлаш ва асраб-авайлаш керак бўлса шу ўтмишга назар ташлаб асори атиқаларга ҳурматда бўлиш ва ривожи учун курашиш ҳар бир инсон учун бурч эканлигини доимо дилда сақлаш лозим ва керакдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00375

ХУЛОСА

Демак, қўйилган муаммоларнинг ечимини топишда тузилган дастурлар асосида талабаларга қулайлик томони шундаки, улар бевосита объектдаги олиб борилган амалий ишларни ўз кўзлари билан кўриб, миллий қадриятларимизни қадрига етадиган ҳамда ушбу жараён орқали талабаларнинг халқ амалий санъатига қизиқишларини эътиборга олиш муҳим шартларидан биридир. Бундай ноанъанавий аудиториядан ташқари амалий машғулотларни объектнинг ўзида ўқув жараёнига қўллаганимизда талабаларни фанга бўлган қизиқишлари ортади. Ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-амалий конференцияларга маърузалар тайёрлашлари ҳамда фанга қизиқишни орттириш билан бирга уларда маъсулият ҳиссини, миллий ғурур ва қадриятларимизни эъзозлашга қаратилган тарбиялаш воситаси сифатида қўллаш имконини беради.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев., Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Муҳаммад муфтий Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ манақиби. -Тошкент: Имом ал-Бухорий жамғармаси, 2002.
3. О.Қориев. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний.-Тошкент: Фан, 2009.
4. П.Ш.Зоҳидов Меъмор олами.–Тошкент: Комуслар бош таҳририяти,1996.
5. С.С.Булатов Ўзбек халқ амалий безак санъати.– Тошкент:Меҳнат, 1991.
6. Засыпкин Б.Н.Архитектурние памятники Ферганы. Москва: Искусство Востока,1930
7. Бутенко В.Г.Школьникам о художественных ценностях памятников истории и культуры.– М., 1999.–113
8. Т.Қозоқов, Б.Рўзинов, А.Воҳидов., Буюкларга бешик бўлган Ахсикент ёхуд фарғона алломалари. “Наврўз” нашриёти, Тошкент 2020 йил
9. Б.А.Рўзинов ва бошқалар.., Наманган вилояти маданий мероси. “Наманган” нашриёти, 2013йил.
10. Усманова Г.А. Тажриба-тадқиқот майдонларида илғор педагогик технологияларидан фойдаланиш. //Журнал Таълим технологиялари №1,-2012, -б.29-32.